

Шоир жадид Исҳоқхон Ибрат

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музеи илмий
ходими. М.Мухамадиев*

Исҳоқхон тўра Ибрат фаолият доираси кенг, миллий уйғониш даврининг машҳур педагогларидан биридир. Маърифатпарвар шоир, маорифчи Иброҳим Даврон Ибрат ҳақида қўйидагиларни ёзди: «Исҳоқхон тўра улуми диния ва фанния ва адабияда устози комиллиғи билан бутун Фарғона ва дигар жиҳат Озиёйи Вустода инкор ўлунмас даражада бир мавқеъ мумтоза тутмишдур. Исҳоқхон тўра улуми динияда мударрисдур, фунуни дунявийда, билло шубҳа, архитектур, техник ва механик ва физиқия илминда тилифонист, тилирофист ва яна химик десак яна оздур, чунки бу илмларни билур. Исҳоқхон тўра олим ва фозил бир зоти олий бўлуб, бу турфа фазоили инсонияга молик. Баъзи ихтиrotи ҳам бордур.

Ибратнинг асли исми Исҳоқхон, отасининг исми Жунайдуллахўжадир. Ибрат унинг адабий тахаллусидир. Исҳоқхоннинг ўзига «Ибрат» тахаллусини олиш боиси шундаки, у фаолиятининг дастлабки йилларидан бошлаб маърифатпарвар шоир, педагог, олим сифатида замондошларини замон илмидан, илғор маданиятидан, янгича таълим-тарбия тизимидан ибрат олишга даъват этди. Шунинг учун ҳам ўзига «Ибрат» тахаллусини танлади.

Исҳоқхон 1279 ҳижрий¹ (1862 милодий) йилда Наманган яқинидаги Тўракўғон қишлоғида туғилди. Унинг отаси Жунайдуллахўжа Суннатуллахўжа ўғли туркистонлик машҳур мутасаввиф Аҳмад Яссавий авлодидан бўлиб, анча билимли соҳибкор боғонлардан эди. Унинг беш танобча ери бўлиб, дехқончилик, боғдорчилик билан оила тебратган. Ибрат Яссавий авлодига мансублигини ёзиб ҳам қолдирган. Онаси Ҳурибиби ўз даврининг ўқимишли, оқила аёлларидан бўлиб, уйида қишлоқ қизларини

ўқитарди, шу билан бирга, адабиёт ва санъатга муҳаббат қўйган аёл бўлган, шеърият билан ҳам шуғулланган, Навоий, Лутфий, Жомий, Бедил, Машраб каби буюк шоирлар асарларини мутолаа қилиш хонадон аҳли учун севимли машғулот ҳисобланган. Оиладаги бундай ҳаёт тарзи Исҳоқхонда адабиёт ва санъатга муҳаббатнинг эрта пайдо бўлиши учун асосий омил бўлди. 1870 йилда отаси Жунайдуллаҳўжа вафот этади. Исҳоқхон дастлаб маҳалла мактабида таҳсил кўради, аммо беш йил давомида ҳам саводини чиқара олмагач, ўз уйида онасининг қўлида ўқиди. Бу ҳақда ўзи шундай ёзади: «Аввалги вақтдаги маҳалла мактабида 5 йилда 3 муаллимда ўқиб, охири саводим чиқмай, кейин қизлар мактабида, ўз уйимизда, волидаи марҳуммамда ўқуб савод чиқардим. Икки сана қиблагоҳимдан ҳусниҳат машқ этдим».

Ҳурибиби ўз мактабида фақат қуруқ ёдлатиш билангина чекланмай, қизларга ёзишни, ҳусниҳатни ҳам ўргатар эди. Шунинг учун ҳам Исҳоқхон онасини асарларида устози сифатида хурмат билан тилга олади.

Адабиёт ва санъатга зўр муҳаббат қўйган Исҳоқхонни ўқиши давом эттириш учун Кўқонга юборадилар У XIX аср бошларида барпо этилган Муҳаммад Сиддиқ Тунқатор мадрасасига 1878 йилда ўқишига киради. Унинг Кўқонда таҳсил кўрган йиллари (1878-1886) ўзбек адабиётида, маданий ҳаётида, айниқса, маорифида туб ўзгаришлар содир бўлаётган даврга тўғри келди. Унинг бу адабий-маданий-маърифий ҳаётдан баҳраманд бўлганлиги шубҳасиз. У Кўқон адабий муҳитининг йирик намояндалари Муҳий, Муқимий, Фурқат, Нодим, Ҳазинийлар билан яқин алоқада бўлган, абадий мушоираларда иштирок этган.

Исҳоқхон Ибрат мадраса берадиган илмлар билан чекланиб қолмади, ўқиши давомида буюк Шарқ олимлари асарларини мустақил тарзда қунт билан мутолаа қилди, араб, форс ва рус тилларини чуқур ўрганди, унинг айниқса тил ўрганишга қобилияти кучли бўлган. У рус ва ўзбек тилларида Туркистоннинг илк газеталари «Туркистон вилоятининг газети», «Туркестанские ведомости» билан, Туркистон ўлкасига янги тарқалаётган

Исмоилбек Гаспралиниң «Таржимон» газетаси билан биринчи марта Кўқон мадрасасида ўқиб юрган кезлари танишди. Исҳоқхон томонидан ташкил қилинган «Кутубхона Исҳоқия»да «Таржимон» газетасининг ҳатто 1884 йилги бойламлари ҳам бўлган.

Исҳоқхон Ибрат 1886 йилда Кўқон мадрасани тугатиб, ўз қишлоғи Тўрақўрғонга қайтиб келади ва фаолиятини илғор маорифчи сифатида қишлоқда маърифат тарқатиш билан бошлайди: ўша йили мактаб очади. Унинг мактаби «усули қадим» - «усули таҳажжи», яъни ҳижо методига асосланган мактаблардан бирмунча фарқ қилас эди. Исҳоқхон Кўқонда ўқиб юрган вақтларида ёк ўлкада очила бошлаган рус мактабларидаги ўқитиш усулларининг маҳаллий мактабларда ҳукм суроётган ҳижо ҳамда қуруқ ёдлаш усулидан афзаллигини сезган эди. Исҳоқхон ўз мактабига нисбатан илғор бўлган, саводга ўргатишда анча енгиллик вужудга келтирувчи товуш (савтия) усулинин татбиқ қилди ва «усули савтия»ни эски метод тарафдорларидан химоя қилди. Бироқ бу мактабида узоқ вақт ишлай олмади. Баъзи бир жоҳил мутаассиблар унинг мактабини «кофирилар мактаби» деб эълон қилдилар, халқ болаларини бу мактабдан қайтаришга ҳаракат қилдилар ва генерал-губернаторлик амалдорлари ёрдамида ёптиридилар. Бу ёш маорифчи Исҳоқхон Ибратнинг мутаассиблар ҳамда мустамлакачи маъмурлар билан биринчи тўқнашуви эди.

Исҳоқхон Ибрат ўзининг «Луғатиситтатити ал-сина», «Жомеъул хутут» ва «Тарихи Фарғона» асарларида ёзишича, 1887-йилда, яъни 25 ёшида онасини ҳажга олиб боришига отланади. Бироқ онаизорига ўз ватанига яна қайтиб келиш насиб этмади, Ҳурибиби Жидда шахрида ўпка шамоллаш касали билан вафот этади. Исҳоқхон Ибратнинг Шарқ мамлакатларига сафарга чиқишдан асосий мақсади, биринчидан, онасининг ҳажга олиб бориши ҳақидаги илтимосини қондириш бўлса, иккинчидан, чет эл халқлари ҳаёти, маданияти билан яқиндан танишиш, бу мамлакатларни ўз кўзи билан кўриш иштиёқи эди: «... Умрим нақдини ҳавас бозорида кечирмак тақазоси-

ла ўлуб, синним йигирма беш кечмиш экан, ҳавойи тақазои муҳтарама душуб саёҳат этдум»¹, - деб ёзади.

Исҳоқхон Ибрат онасини Жидда шаҳрида дағн этиб, Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳатини давом эттирди, шу билан бирга, у Истанбул, София, Афина, Рим каби Европанинг марказий шаҳарларида бўлди. Анча вақт Афғонистоннинг Қобул, Арабистоннинг Жидда каби шаҳарларида истиқомат қилди. Макка шаҳридан Қизил ва Арабистон денгизлари орқали Ҳиндистонга келди. 1892-1896 йилларда Ҳиндистоннинг энг катта порт шаҳарлари Бомбей ва Калкуттада яшади. Бу ерда қўп ишлатиладиган арбаилисонни, яъни тўрт тилни, араб, форс, ҳинд-урду ва инглиз тилларини мукаммал ўрганди. Чет элларда халқ ҳаёти, уларнинг маданияти, Шарқ мамлакатларидағи европаликлар орқали кириб келган Европа маданияти, тили ва санъати билан яқиндан танишди, ўрганди, илмий асарлари учун қимматли материаллар тўплади. У Шарқ халқлари тиллари билан бир қаторда гарб халқлари тилларини ҳам билиш зарур деб ҳисоблади ва Арабистонда француз тилини, Ҳиндистонда инглиз тилини, шу билан бирга, энг қадимий финикия, яхудий, суря, юон ёзувларини ўрганди. Ибратнинг Шарқ ва Ғарб халқлари тилларини анча мукаммал билғанлигини эътироф этиб, замондоши Иброҳим Даврон ёзади: «...Фазоили инсониядин маода қози тўра (Исҳоқхон - У.Д.) жаноблари туркча, форсча, ҳиндича, русча лисон билиб, яна русча, франсузча, арманича ва бошқа хатлар ёзмоққа моҳирдурлар».²

Исҳоқхон Ибрат чет элларда олим ва фозил кишилар билан, улар қайси динга ёки миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, яқин алоқада бўлди. «Ҳар бир лисон сафар аҳлина юз олтун баробаринда» ишлатилганлигини тушунган ва қўрган маърифатпарвар чет тилларни ўрганишга катта эътибор берди: «Ҳар бир заввор ва ахли фазл кишини кўрсам, кайфият ва таълимот маолларини андин сўрадим»².

Ўн йилга яқин давом этган саёҳат унинг янгилаштирув тизимиға бўлган муносабатини мустаҳкамлади, янги куч-ғайрат билан маърифатпарварлик фаолиятини йўлга қўйди. Саёҳат давомида йиққан катта материаллари асосида олти - арабча, форсча, ҳиндча, туркча, сартча (ўзбекча), русча тилларни ўз ичига олган «Луғатиситтатити ал-сина» («Олти тиллик лугат») асарини яратди.

XX аср бошларига келиб, маҳаллий мутаассиблар, губернаторлик маъмурларининг қарашлигига қарамай, рус тилини ўрганишга қизиқувчилар сезиларли даражада ортди. Аммо ўқувчилар ва рус тилини мустақил ўрганувчилар учун дарслик ва қўлланмалар йўқ даражада эди. Бу ҳақда «Туркестанские ведомости» газетасида Тошкент китоб дўкони хўжайинларидан бири қўйидагиларни ёзади: «Шу кунларда шаҳарликлар ўртасида рус тилига қизиқувчилар сони ортиб бормоқда.. Тошкент китоб дўкони хўжайинларидан бири шикоят қиляптики, сартлар ҳеч тинчлик бермаяпти, русча ўрганиш учун сарт тилида ёзилган бирор дарслик борми?» деб сўраб келишавериб жонга тегди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ерли ўтроқ аҳолининг тил ўрганишга қобилияти кучли»¹.

Рус тили билан бир қаторда ўнга яқин шарқ ва ғарб тилларини анча мукаммал билган Исҳоқхон бу масалада ўз халқига ёрдам қўлини чўзди. Мутафаккир мазкур «Луғатиситтатити ал-сина» асарини яратар экан, биринчи галда, рус тилига қизиқувчиларни кўзда тутди. Бу нарса китобнинг биринчи бетиданоқ кўзга ташланади. Муаллиф кирилл ёзув тизимини билмайдиганларга қулай бўлсин учун рус сўзларини араб ёзуви билан беради. Маълумки, рус ва Европа сўзларини араб ёзувида ифодалаш анча мураккаб иш, лекин Ибрат бу ишни муваффақиятли ҳал қилди.

Олимнинг ушбу асари XIX аср 90-йилларининг ўрталаридаёқ, унинг чет эл сафаридан қайтиб келиши биланоқ ёзиб тутатилган бўласа-да, губернаторлик маъмурлари томонидан маҳаллий муаллифлар асарларига қарashi ўрнатилган қаттиқ назорат, таъқиб туфайли асар анча кечикиб - 1901

йилда босмадан чиқди. Буни ўша даврда чор Россиясининг мустамлака Туркистондаги матбуот нозири вазифасини бажарувчи Н.П.Остроумов шахсий архивида сақланувчи хужжатлар ҳам тасдиқлайди. Архивда Исҳоқхоннинг Николай Остроумов номига ёзилган иккита мактуби сақланади. Биринчи мактуб 1898 йилнинг бошида ёзилган бўлиб, унда Ибрат Остроумовга луғатни босмадан чиқаришга ёрдам беришини илтимос қилиб мурожаат этади ва унинг таклифига мувофиқ китобнинг икки жузъини юборади. Лекин анча вақтгача асарни нашр қилиш ёки нашр қилмаслик ҳақида ҳеч қандай жавоб ололмайди. Исҳоқхон 1900 йилнинг 26 февралида иккинчи марта рус ва ўзбек тилларида мурожаат қилишга мажбур бўлади. Мазкур асарни нашр қилишда катта аҳамиятга эга бўлган мактуб ушбудир: «1900 инчи йилда 26 начи февралда хурматлу Остроумов тўра хузурларига саволнома.

Ушбу баробаринда сиз улуғ мартабадин ўтунуб сўрайманки, 1898 йилда сиздан илтимос қилиб эдим, ўз таснифларимдан олти тил узра «Ситтати ал-сина» деган словар китобни босма қилмоқ учун. Марҳамат қилиб икки жузъ юборинг, кўрмок учун деган экансиз. Дарров амрларига мувофиқ юбориб эдим. Мазкурни(нг) ҳеч хабари бўлмаган жиҳатидан боз илтимос қилиб турубманки, агарда нозирлар назоратларидан ўтган бўлса, қабулга олинса, мен қолган ўн жузъини ҳам юборсан ва ёки қабул бўлмаган бўлса, ўшал нусхани марҳамат илан Намангандаги маҳкамасига, менинг исмимга адрес этуб юборсалар, боз бўлак маслаҳат қилсак, деб илтимос қилувчи Исҳоқхон турадурма»

Исҳоқхон Ибратнинг мазкур «Луғатиситтатити ал-сина» асари бир неча йиллик саргузаштлардан сўнг 1901 йилда Тошкентдаги В.И.Ильин босмахонасида нашрдан чиқди. Маълумки, Исҳоқхонга қадар русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғатлар яратилган. Масалан, В.Наливкин ва М.Наливкиналарнинг «Русско-сартовский словарь», «Сартовско-русский словарь» шулар жумласидандир. Бироқ бу китоблар кирилл алифбосида яратилган бўлиб, ўзбек тилини ўрганувчи руслар ва русча саводи бўлган

саноқли ўзбеклар учун мўлжалланганидан кўпроқ ўзбеклар эҳтиёжини қондира олмади. Исҳоқхоннинг мазкур луғатни араб алифбосида яратишига ҳам худди шу масала туртки бўлди ва мана шу муҳим, ниҳоятда мураккаб масалага ўзбек маърифатпарварлари, педагоглари орасида биринчи бўлиб қўл урди ва замондошларининг талабини бирмунча қондиришга муваффақ бўлди.

Мингдан ортиқ фаол сўзларни ўз ичига олган Ибратнинг ушбу луғати ўз даврида катта аҳамият касб этган. «Луғати сittati ал-сина» асари рус тили асосий ўқув предметлардан бири сифатида ўқитишга руҳсат олинган «усули жадид» мактабларида ҳам фойдаланилган. Шунинг учун ҳам китобга такриз ёзган замондошларидан бирининг «...Бизнинг Туркистон вилоятида сартиялардан шунча тил билиб, бул тариқа китоб ва луғат тасниф қилган одам йўқ эди», - деган сўзлари заминида катта ҳақиқат ётар эди.

Исҳоқхон Ибрат «Луғати сittati ал-сина» асиридан ташқари тилшунослик илмининг энг муҳим масаласига - жаҳон ёзувлари тарихига бағишлиланган «Жомеъул-хутут» («Ёзувлар мажмуаси») асарида ҳам рус тили билан бир қаторда лотин, инглиз, немис, француз тилларини ўрганиш ёшлар учун илм-фан, маданият ва техника янгиликларини эгаллашда ҳал қилувчи восита эканлигини алоҳида таъкидлайди: «Дориҳона борганда лотинча зарур, Ҳиндистонга хат қилинса, инглизча бўлмаса олмайдур. Эронистонга франсавий. Биз туркистон(ликлар) га биринчи заруримиз Русия хатидурки, муни қози ва мударрислар инкор қилмаслар. Ахборнома, ропурт ёзсалар, мударрислар бўлса, ўрусча биладургон кишига ақча беруб, ропурт ёздирадулар, аларга жуда зарур. Савдогарларга Масковдан мол ёзмоққа зарур ҳукумат хати бўлуб, бинобарин, эҳтиёжи ҳалқулло ҳамма жиҳатдан буни билмак зарурлиги бадехий»

Исҳоқхон илм доираси кенг олимлиги айниқса шунда кўринадики, у ҳамма нарсани - илм-фан, маориф-маданиятни, тилларни, ёзувларни, одамларни ўсишда, ривожланишда, ўзгаришда деб тушунади. Унинг воқеа

ходисаларга бундай диалектик муносабатда бўлиши, эскилик устидан янгиликнинг ғалаба қозонишига бўлган ишончи айниқса «Жомеъул хутут» асарида янада яққолроқ қўринади: «Маданият хотираға ўхшаган янги таомил, янги сўз, янги хат жорий бўлуб, эски нимарсалар, диний ишлар, бўлаклари - ҳаммаси билқул қолиб, янги юруб кетар эканлар. Ўзингизда ҳозир турубдур аён. Чунончи: чироқ қолди - ламфа (чиқди), чақмоқ қолди - гугурт (чиқди), чойжўш қолди - чойнак (чиқди), қумғон қолди - самовар (чиқди) ҳоказо янги нимарсалар кўб жорий бўлуб қолган».

Исҳоқхон Ибрат маориф ва маданиятимиз тараққиёти тарихида ҳусниҳатни мукаммал эгаллаган хаттот сифатида ҳам катта шуҳрат қозонди. Бу ҳол унинг «Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий» ва «Жомеъул хутут» асарларида яққол кўзга ташланади. Иброҳим Давроннинг хабар беришича, Исҳоқхон зўр хаттот, ҳусниҳатни мукаммал эгаллаган каллиграфдир, у бу соҳада яратган «шоён бир санъати (асари)» учун 1907-йилда катта мукофотга сазовор бўлган. У (Исҳоқхон Ибрат - У.Д.) ҳам хаттоти аъзамдур. Чунки мусулмонча хат ёзмоқдин ўн етти навъ ёзув бирла қалам юргузурлар. Бу осори қаламия ва аклиясидин намунаи зоти, демакки, шоён бир санъати ўтган йил - 1907-йилда жаноби Туркистон генерол-губирнаторга тақдим қилиниб, шойисталиғига иккинчи даража почўтной халат (почётнўй халат) олган эдилар»¹.

Исҳоқхон Ибрат «Тарихи Фарқона», «Тарихи маданият», «Мезонуз замон» асарларида ҳам ўзининг педагогик-маърифатпарварлик қарашларини илгари суради. Тарихчи олим Исҳоқхон чет эл саёҳати вақтида техника ва маданият ривожланган шаҳарларда бўлди. У Туркистон шаҳарларининг ҳам маданий шаҳарлар қаторидан ўрин олишига ишонди. Буни амалга оширишнинг бирдан бир йўли илм-маърифат, ўқиши-ўрганишдан деб билди.

АДАБИЁТЛАР

1. Б.Қосимов. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат ва фидоийлик. Тошкент, 2000
2. Б.Қосимов ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Тошкент, 2004
3. Архив.уз
4. www.tdpu.uz
5. www.kasu.uz